



## ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Каттақулова Нозбиби

kattaqulovanozbibi@gmail.com.

+998940721522

Термиз давлат педагогика институти Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Бошланғич таълим) мутахассислиги 2-курс магистранти

### Аннотация

Ушбу мақолада иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан ишлашнинг педагогик-психологик ўзига хос хусусиятлари педагогис имкониятлари қандай усул ва технологиялардан фойдаланганда талабаларда бу қобилиятлар ривожланиши хақида ёритилган.

**Калим сўзлар:** таълим тизими, ижодий қобилият, касбий педагогика, технология, таълим технологиялари, креативлик.

### PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF IDENTIFYING TALENTED STUDENTS AND WORKING WITH THEM

#### Abstract

This article describes the pedagogical-psychological characteristics of identifying gifted students and the development of these abilities in students when using pedagogic opportunities and technologies.

**Key words:** educational system, creative ability, professional pedagogy, technology, educational technologies, creativity.

### ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЫЯВЛЕНИЯ ТАЛАНТЛИВЫХ СТУДЕНТОВ И РАБОТЫ С НИМИ

#### Аннотация



В данной статье описаны педагогико-психологические особенности выявления одаренных учащихся и развития этих способностей у учащихся при использовании педагогических возможностей и технологий.

**Ключевые слова:** образовательная система, творческая способность, профессиональная педагогика, технология, образовательные технологии, креативность.

Ўзбекистонда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашнинг хуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг инновацион тизимини жорий этиш, бу борада оила, таълим муассасасаси ва ёшлар ташкилотларининг ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган ислоҳотлар илғор хорижий тажрибалар асосида иқтидорли ўқувчиларни танлашнинг диагностик аппаратини ишлаб чиқиш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг ижтимоий-педагогик технология ва методларини жорий этиш имкониятини оширмоқда [1]. Ҳаётий кузатишлар ва маҳсус текширишлар қобилиятнинг табиий заминини инкор қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Бир қатор маҳсус фаолиятлар борки, улар учун табиий замин хусусан муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун зеҳн нишоналари бўлган киши ноқулай шароитда ҳам зеҳн нишоналари бўлмаган, лекин қулай ҳаётий шароитдаги кишига нисбатан юксак қобилият намуналарини кўрсата олади. Ва аксинча, масалан, бир оилада ва бир мактабда ривожланаётган ака-укалар ёки опа-сингиллар яхши ёки ёмонлигидан қатъий назар, бир хил ижтимоий шароитда бўлганларида уларнинг қобилияти ва ривожланишида баъзан, кескин фарқлар кузатилади.

Қобилиятнинг учинчи концепцияси тарафдорлари анча тўғри нуқтаи назарда турадилар. Яъни, қобилият қулай ижтимоий шароит мавжуд бўлганда, фаолият жараёнида шаклланади. Мазкур концепцияда ҳаёт ўзининг бутун хилма-хиллиги билан акс эттирилган ва маҳсус тадқиқотлар билан тасдиқланган.

Шубҳасиз, қобилият мия тузилишининг қандайдир туғма анатомик хусусиятлари билан, биринчи навбатда, мия микроструктураси хусусиятлари билан

боғлиқдир. Бу хусусиятлар инъикос жараёнининг хусусиятига ва шахснинг хатти-харакатига таъсир қиласи.

Болада жуда эрта сезиладиган психологик хусусиятлар зеҳн ёки дастлабки табиий хусусиятлардир. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Б.М.Теплов ҳақли равишда айтганидек, “Психологик хусусият ҳар тарафлама аҳамиятга эга бўлиб, улар характернинг ҳам, қобилиятнинг ҳам табиий асосини ташкил қиласи. Умумий типдаги хусусиятлар кучда ва тонусда ифодаланадиган фаоллик, вазминлик, инъикос ва ҳаракат жараёнларининг сезирлик даражаси, шубҳасиз қобилиятнинг ташкил топишига таъсир қиласи” [2; 461-б].

Бадиий типнинг характерли белгиси шундаки, улар биринчидан, воқеликни яхлит, тўла ва жонли тарзда идрок этадилар, ҳолбуки илмий соҳага мойиллар уни алоҳида-алоҳида қисмлар тарзида қабул қиласидилар ва шунинг билан гўё уни жонсизлантирадилар.

Иккинчидан, бадиий тип вакилларида тасаввур абстракт фикрлашдан устун бўлади. “Фантазия” – дейди Н.Б.Шумакова– “Бу бадиий қобилият бўлиб биринчи сигнал тизимига тегишлидир. Фикрловчи типда эса ақл назарий бўлиб, у сўз билан боғлиқдир” [3].

Учинчидан, бадиий тип юксак эмоционаллик билан ажралиб туради, чунки биринчи сигнал тизими, Н.Б.Шумакова тили билан айтганда, “Асосий эмоционал фондни ташкил қилувчи мия қобиғи билан яқин боғлиқдир. бадиий тип ҳаяжонли, муқаррар, эмоционал типдир”, деган эди ва аксинча, илмий соҳа вакиллари эмоционал фон ва биринчи сигнал тизими заиф бўлсада, лекин у соғлом ва соддадил одам бўлади [3].

Кўпчилик олимлар “вундеркиндлар”ни жисмонан заиф деб биладилар. Лекин бу хулоса нотўғри. “Вундеркинд”ларнинг ҳаммаси ақлан ва жисмонан соғломдирлар. Буни исботлаш учун XX асрнинг 20-йилларида америкалик психологлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқотга А. Термен бошчилик қиласи. Улар тадқиқот учун 15000 нафар ўғил ва қиз болаларни саралаб олган. Улар умумий ақлан ривожланган, ўзига хос хусусиятли

6 ёшдан 12 ёшгacha бўлган болалар эди. Саралаш жараёни тест натижалари ва ўқитувчиларнинг тавсифномаси асосида ўтказилади. Сўнг бу ўқувчилар

10 йил мобайнида тадқиқ этиладилар. Уларнинг соғломлик даражасида бошқалардан катта фарқ йўқ, ҳамма сингари улар ҳам касал бўлишлари, асаблари чарчаши мумкин. Лекин, барибир, улар бошқаларга нисбатан ақлан етук, ҳар томонлама ривожланган, етти мучали сог болалар.

Иқтидорлилик ҳодисаси ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши қадимийликка бориб туташса-да, унинг илмий ривожланиш босқчилари америкалик психолог Ж. Гилфорд номи билан боғлиқдир. У интеллект намоён бўлишининг уч асосий блокини ажратиб кўрсатган:

– биринчи блок – иш-ҳаракат: асосий интеллектуал жараёнлар ва бажариладиган амаллар. Мазкур блок ўзида қуйидаги интеллектуал қобилиятларни бирлаштиради: билишга доир: материални идрок этиш ва тушуниш; хотира – ахборотни ёдда сақлаш ва қайта тиклаш; конвергент тафаккур – мантиқий, кетма-кетлийликда фикрлаш, у вазифаларни ҳал этишда ягона тўғри ечимга эга бўлиш билан тавсифланади; дивергент тафаккур – муқобил вариантларга асосланган ҳолда фикрлаш, вазифаларни ҳал этишда бир нечта тўғри ечимга эга бўлишда намоён бўлади; муаммони тўғри ҳал этилганлигини баҳолаш;

– иккинчи блок – интеллектуал қобилиятларни мазмунига кўра турларга таснифлаш усули: образли, рамзли, семантический, ижтимоий;

– учинчи блок – бирор тафаккур жараёнини амалга оширишда фикр маҳсулиниң якуний тури: унсурлар, тоифалар, муносабат, тизимлар, трансформация, воқеликнинг кейинги ривожини тахмин қилиш [4; 272-б.].

Кейинчалик америкалик тадқиқотчи А. В.Хоторской кўплаб кузатишлар натижасида “IQ (интеллект коэффициенти) ва ижодий муваффақият бир-биридан ҳамма вақт ҳам аниқ фарқланмайди”, деган холосага келдган. Ўзининг кузатишлари асосида Торренс бутун жаҳонда иқтидорли болаларни аниқлашда кенг қўлланиладиган креативликни аниқлаш тестини яратган



Жаҳон педагогика ва психологияси фани ривожида иқтидорлиликнинг кўплаб моделлари ишлаб чиқилган. Ана шундай кенг оммалашган моделлардан бири америкалик олим Ж. Рензулли томонидан яратилган. Мазкур моделда иқтидорлилик уч ўзаро уйғун таркибий қисмлар мажмуи сифатида намоён бўлади: интеллектуал қобилияtlар; креативлик; тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилик) [6].

Шунингдек, Ж. Рензулли ҳам бошқа олимлар сингари билимдонлилик (эрудиция) ва мақбул ижтимоий муҳитнинг иқтидорлиликни ривожлантиришдаги ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатган. Унинг фикрича, мазкур тавсифлардан биттасига тўғри келадиган болани иқтидорли деб баҳолаш мумкин. Муаллиф ўз тадқиқотида “Иқтидорлилик” тушунчасини “салоҳият” тушунчасига қиёслаб қўллаган [6].

Иқтидорлилик “имконият” ва “реаллик” категорияларига боғлиқ. Инсоннинг иқтидорлилиги – бу фақатгина билим ва қобилияtlарга эга бўлиш имконияти. Бу билим ва қобилияtlарнинг эгалланиши кўплаб шарт-шароитларга боғлиқдир.

Иқтидорлиликнинг умумий ва маҳсус турлари фарқланади. Умумий иқтидорлилик фаолиятнинг барча турларини эгаллаш орқали юзага чиқади, муваффақиятли тарзда уларни амалга ошириш учун баъзи ақлий сифатлар зарур. Маҳсус иқтидорлилик фаолиятнинг турли кўринишлари билан боғлиқ, унинг у ёки бу даражада кўпроқ намоён бўлишини ифода этади (математик, техник, мусиқий, тасвирий санъат, шеърий ва бошқалар).

Ўқувчиларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш ва самарали ривожлантириш мақсадида уларга тақдим этиладиган ўқув юкламалари ҳажмини асоссиз тарзда кенгайтириб юбормаслик керак. Бундай ёндашув қуйидаги сабабларга кўра ўқувчилардаги қизиқиш ва лаёқатларнинг эрта сўнишига сабаб бўлиши ҳам мумкин: бу уларнинг ўқув меҳнатларини оғирлаштириб, вақтини имкон қадар кўпроқ банд қиласди. Бундай бандлик натижасида уларда зерикиш, ўқув материалларини ўзлаштиришдан безиш ҳолатлари вужудга келади; иқтидорли ўқувчиларга тақдим этиладиган билимлар мазмунан саёз бўлмаслиги ҳам мақсадга мувофиқдир. Улар ўқувчиларни жалб этувчи ижодий характердаги ривожлантирувчи топшириқлардан иборат бўлиши ўринлидир; ўқувчилар ўқув материалларини узоқ муддат эслаб



қолишлари учун топшириқларнинг таълим олувчилар ижодий тафаккурини ривожлантириш имкониятига эга бўлишига эътибор қаратиш талаб этилади. Назарий жиҳатдан чуқурлаштирилган ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчилар кўпроқ ижодий фикрлашга интиладилар; ўқувчиларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришни назарда тутган ҳолда лойиҳалаштирилган ўқув материаллари умумтаълим мактаблари дастурлари билан олий ўқув юрти дастурларини мувофиқлаштиришни тақозо қиласиди. Умумтаълим мактаблари дастурларида ўқувчиларнинг иқтидорини тўғри йўналтириш ва ривожлантиришга қаратилган ўқув мавзуларининг киритилиши олий ўқув юрти дастурларига ўзгартиришлар киритишни ҳам тақоза этади.

Маълумки, иқтидорли ўқувчилар маълум хусусиятларга эга бўлиб, улар ўзларининг иқтидори ва талантлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Шунинг учун ҳам бундай ўқувчилар таълимнинг стандарт талаблари ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Иқтидорли ўқувчиларга хос бўлган хусусиятлар сирасига қизиқувчанлик, билиш эҳтиёжларининг юқорилиги, битмас-туганмас куч-қувват ва мустақилликни киритиш мумкин. Бундай ўқувчилар интеллектуал ҳамда ижодий ривожланишда ўз тенгдошларидан ўзиб кетадилар. Шунинг учун ҳам педагогика фани олдида иқтидорли ўқувчиларга “Нимани қандай ўргатиш керак?”, “Бунда ўқитувчининг тутган ўрни қандай?”, “Иқтидорли болаларни қулай тарзда ривожлантириш йўллари ва усуллари нималардан иборат?” деган саволлар долзарб бўлиб туради.

Ижодий фаолият кўрсатишга интилиш иқтидорли ўқувчиларнинг мухим хусусиятларидан биридир. Улар ҳар доим ўз шахсий ғояларини илгари сурадилар ва уларни қатъият билан ҳимоя қиласидилар. Шунинг учун ҳам улар ўз олдиларига қўйилган талаблар билан чекланмайдилар, ҳар доим кўпроқ нарсаларни билиш, ўз тенгдошларидан ўзиб кетишга интиладилар. Иқтидорли ўқувчилар ҳамиша топшириқларни ечишнинг янги йўлларини излаб топадилар. Бундай ўқувчилар, табиий тарзда, таълим жараёнида юқори даражадаги мустақилликка эга эканликларини намоён этадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ёрдамига камроқ



эҳтиёж сезадилар. Ота-оналар ва ўқитувчиларнин ортиқча аралашуви натижасида уларнинг ўқув ҳаракатларида салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бунинг натижасида иқтидорлиларнинг мустақиллиги чекланиб, янги ўқув материалларини ўзлаштиришларига путур етиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ти ПФ-5466-сон Фармони. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон.
2. Теплов Б. М. Способность и одаренность // Избранные труды: В 2 т. – М., 1985. Т.1. – 461 с.
3. Шумакова Н. Б. Одарённый ребёнок. Особенности обучения. Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 2008. – 180 с.
4. Чудновский В. Э. Одаренность: дар или испытание. – М., 1990. – 140 с.
5. Хуторской А. В. Развитие одаренности школьников: Методика продуктивного обучения. Пособие для учителя.– М.: ВЛАДОС, 2000.– 320с.
6. Рензули Дж. Модель школьного обучения // Основные современные концепции творчества и одаренности/ Под ред. Д. Б. Богоявленской. – М., 1997. – С. 214–242.